# I. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

2017 йилнинг январь-декабрида ишлаб чикарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 5690,3 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 100,8 фоизни, шу жумладан, Деҳқончилик ва чорвачиликда, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 5657,0 млрд сўмни (100,7 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 10,6 млрд. сўмни (100,2 фоиз), Баликчилик хўжаликларида 22,7 млрд. сўмни 135,9 фоиз) ташкил қилди.

**2017 йилнинг январь-декабрда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми**




2017 йилнинг 12 ойи давомида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажмида Қамаши тумани 470,9 млрд. сўмни ёки жамига нисбата улуши 8,3 фоизни, Косон тумани 531,7 млрд. сўмни ёки 9,3 фоизни, Китоб тумани 549,3 млрд. сўмни ёки 9,6 фоизни, Чироқчи тумани 617,1 млрд. сўмни ёки 10,8 фоизни, Шахрисабз тумани 544,5 млрд. сўмни ёки 9,6 фоизни ва Яккабоғ тумани 527,2 млрд. сўмни ёки 9,3 фоизни ташкил қилди.

**2017 йилнинг январь-декабрида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши**

*(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)*




**Ҳосил йиғими.** 2017 йил январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 1028144 тонна дон экинлари утган йилнинг шу даврига нисбатан(96,2фоиз), 183384 тонна картошка (93,9 фоиз), 519915 тонна сабзавот (92,2 фоиз ),151320 тонна полиз (100,5фоиз),153346 тонна мева (106,9фоиз) 106971 тонна узум (97,8 фоиз) етиштирилди.

2017 йилнинг 12 ойи давомида дон етиштиришнинг юқори суръатлари Чироқчи туманида (118,0 минг.т), Миришкор туманида (123,0 минг.т), Нишон туманида (126,9 минг.т), картошка етиштириш Китоб туманида (31,2 минг.т), Яккабоғ туманида (38,7 минг.т), Шахрисабз туманида (47,8), полиз экинларини етиштириш Қарши туманида (18,4 минг.т), Чироқчи туманида (25,2 минг т), Косон туманида (27,3 минг.т) кузатилди.

**2017 йилнинг январь-декабрида худудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

**Дон***(минг тонна)*




**Картошка***(минг тонна)*



**Сабзавотлар(*минг тонна*)**




**Полиз(*минг тонна*)**




**Мевалар ва резаворлар *(минг тонна)***




**Узум*(минг тонна)***




**Чорвачилик.** 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 104,0фоиз (жами 1538,3 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 105,9 фоиз (507,0 минг бош), қўй ва эчкилар 101,7 фоиз (4486,1 минг бош), отлар 102,4 фоиз (30,0 минг бош), паррандалар 107,5 фоизни (5402,8 минг бошни) ташкил этди.

2017 йилнинг январь-декабрь ойларида йирик шохли қорамолларни кўпайтиришнинг юқори суръатлари Қарши туманида (152,7 минг бош), Косон туманида (168,5 минг бош), Чироқчи туманида (171,7 минг бош), қўй ва эчкиларни кўпайтириш Муборак туманида (537,4 минг бош), Ғузор туманида (539,5 минг бош), Деҳқонобод туманида (665,5 минг бош) кузатилди.

## 2018 йил 1 январь холатига ҳудудлар кесимида чорва моллари ва паррандалар бош сони

**Йирик шохли қорамоллар***(минг бош)*




*шу жумладан:* **сигирлар***(минг бош)*




**Қўйлар ва эчкилар** *(минг бош)*




**Паррандалар** *(минг бош)*




Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 98,7 фоиз, сут ишлаб чиқаришда 99,4 фоиз, тухум ишлаб чиқаришда 74,8 фоизни ташкил этди.

**2018 йил 1 январь ҳолатига хўжалик тоифалари бўйича**
**чорва моллари ва паррандалар бош сони**

| | *минг бош* | *ўсиш суръати, %* |
|---|---|---|
| Йирик шохли корамол | 1538,3 | 104,0 |
| *шу жумладан*: | | |
| Фермер хўжаликлари | 61,9 | 104,2 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 1453,0 | 104,0 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 23,4 | 100,4 |
| улардан сигирлар | 507,0 | 105,9 |
| *шу жумладан*: | | |
| Фермер хўжаликлари | 21,0 | 106,1 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 479,2 | 106,0 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 6,8 | 100,0 |
| Қуй ва эчкилар | 4486,1 | 101,7 |
| *шу жумладан*: | | |
| Фермер хўжаликлари | 210,6 | 111,0 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 3973,7 | 102,8 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 301,8 | 84,7 |
| Отлар | 30,0 | 102,4 |
| *шу жумладан*: | | |
| Фермер хўжаликлари | 2,4 | 109,9 |

| | *минг бош* | *ўсиш суръати, %* |
|---|---|---|
| Деҳқон(аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 26,5 | 101,8 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 1,1 | 100,2 |
| Паррандалар | 5402,8 | 107,5 |
| *шу жумладан:* | | |
| Фермер хўжаликлари | 278,3 | 117,6 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 3585,2 | 106,4 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 1539,3 | 108,6 |

Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 94,5фоиз, фермер хўжаликларида эса 4,0 фоиз, шу жумладан, сигирлар мос равишда 94,5 ва 4,1 фоиз, қўй ва эчкилар 88,6ва 4,7 фоиз, отлар 88,3ва 8,0 фоиз, паррандалар 66,4 ва 5,1 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг январь-декабрда барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 281,6 минг тонна гўшт (2016 йилнинг январь-декабрга нисбатан 105,8 фоиз), шу жумладан фермер хўжаликларида 2,5 минг тонна (107,1 фоиз), 1088,2 минг тонна сут (106,4фоиз), шу жумладан фермер хўжаликларида 14,1 минг тонна (104,2 фоиз), 470734 минг дона тухум (102,8 фоиз), шу жумладан фермер хўжаликларида 5,8 млн. дона ишлаб чиқарилди.

2018 йил 1 январь ҳолатига чорвачилик маҳсулотларидан гўшт ишлаб чиқаришнинг юқори кўрсаткичлари Ғузор туманига (23,4 минг.т), Қамаши туманига (33,9 минг.т), Чироқчи туманига (40,4 минг.т); сут ишлаб чиқариш Китоб туманига (98,5 минг.т), Чироқчи туманига (143,3 минг.т), Косон туманига (154,0 минг.т) тўғри келади.

**2017 йилнинг январь-декабрь ойларидаишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари қўйдагича:**

| | *миқдори* | *ўсиш суръати, %* |
|---|---|---|
| Гўшт (тирик вазнда), *минг тн.* | 281,6 | 105,8 |
| *шу жумладан:* | | |
| Фермер хўжаликлари | 4,8 | 116,8 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 273,2 | 105,8 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 3,7 | 92,3 |
| Сут, *минг тн.* | 1088,2 | 106,4 |
| *шу жумладан*: | | |
| Фермер хўжаликлари | 22,0 | 111,0 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 1060,1 | 106,3 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 6,1 | 101,1 |
| Тухум*, млн. дона* | 470,7 | 102,8 |
| *шу жумладан*: | | |
| Фермер хўжаликлари | 10,6 | 118,7 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 341,3 | 108,4 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 118,8 | 88,7 |

## 2017 йилнинг январь-декабрида ҳудудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

**Гўшт** *(минг тонна)*




**Сут***(минг тонна)*




**Тухум** *(млн. дона)*




**Жун** *(тонна)*




**Фермер хўжаликлари.** 2017 йилнинг январь-декабрида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 2083,9 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг тегишли даврига нисбатан 95,0 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 37,3 фоизни ташкил этди.

2018 йилнинг 1 январь ҳолатига фермер хўжаликларида 61,9 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 21,0 минг бош сигир, 210,6 минг бош қўй ва эчкилар, 2412 бош от, 278,3 минг бош паррандалар мавжуд.

**2017 йил январь-декабрь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари**

| | *2016 йил январь-декабрь* | | *2017 йил январь-декабрь* | | *2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида* |
|---|---|---|---|---|---|
| | *тонна* | *ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз* | *тонна* | *ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз* | |
| Картошка | 56124 | 28,7 | 40322 | 22,0 | 71,8 |
| Сабзавот | 188479 | 33,4 | 143935 | 27,7 | 76,4 |
| Полиз | 76012 | 50,5 | 76103 | 50,3 | 100,1 |
| Мева | 79256 | 55,3 | 87220 | 56,9 | 110,0 |
| Узум | 62451 | 57,1 | 58817 | 55,0 | 94,2 |
| Гўшт | 4120 | 1,6 | 4811 | 1,7 | 116,8 |
| Сут | 19823 | 1,9 | 22004 | 2,0 | 111,0 |
| Тухум,минг дона | 8897 | 1,9 | 10564 | 2,2 | 118,7 |

**2017 йил январь-декабрь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари**

(*минг тонна*)

